

# ШАРТНОМА №10

Шобот  
(шахар, туман, кишлок)

"24" 01 2022й.

«Асилбек Тибиёт Махсулотлари» МЧЖ бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбари Ш.Р. Матқурбанов фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва Шобот Ш.П.Б бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан раҳбари У.Маммажубов фаолиятини кўрсатувчи, иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

## 1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки қилиб (донимий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувида) беради, «Харидор» эса мол-мулкнинг хақи тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

### 1.2.

№	Махсулот тури	Ўл. бир	Мик дори	Нархи (сўмда)	Етказиб бериш қиймати	КҚС (%да)		Умумий қиймати
1	Нестерил перчаткалар	шт	1800	820	1476000	0	КҚСсиз	1476000
	<b>Жами:</b>							<b>1476000</b>

## Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (қиймати)

2.1. Шартноманинг умумий қиймати КҚСсиз: 1 476 000 ( Бир миллион тўрт юз етмиш олти минг ) сўм 00 тийин \_\_\_\_\_ ҳисобидан қопланади.

## 3. Тўлов шартлари

3.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган махсулот миқдори суммасининг 100% фозини олдиндан 5 банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури \_\_\_\_\_ Тулов топширикномаси \_\_\_\_\_  
(тўлов талабномаси, тўлов топширикномаси, чек аккредитив ва бошқалар)

## 4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган махсулот «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин, шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган фоз миқдори ўтказилгандан сўнг 10 кун вақт ичида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022 йил « 24 » 01 \_\_\_\_\_ дан 2022 йил «31» декабргача ўз кучида қолади.

## 5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1. «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотларни ўз вақтида ва сифатли махсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.1.2. «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.2.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, махсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

## 6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. «Сотувчи» мажбурияти:

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га махсулотни етказиб бериш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган махсулот баҳосини қайтариб бериш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Махсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида махсулотни қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган махсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

6.2.3. Махсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

**7. Тарафлар жавобгарлиги**

- 7.1. Маҳсулот бериш вақтида шартнома бандларига тўлиқ риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 % миқдорда пеня тўлайди, лекин 50 % миқдордан ошиб кетмаслиги керак.
- 7.2. «Сотувчи» «Харидор»га маҳсулотни ўз вақтида етказиб берилмаган ҳар кун учун маҳсулот баҳосидан 0,5 % пеня тўлайди.
- 7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 5 % миқдорда пеня тўлайди.
- 7.4. Тегшли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортса, «Сотувчи» 5 % миқдорда жарима тўлайди.
- 7.5. Маҳсулот учун «Харидор» ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни амалга оширмаган бўлса, кечиктирилган ҳар бир кун учун маблағ миқдоридан 0,5 % пеня тўлайди, лекин 50 % миқдордан ошиб кетмаслиги керак.
- 7.6. «Сотувчи» омиборидан ўз вақтида мол-мулк олиб чиқиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Харидор» ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун «Сотувчи»га омиборда сақланганлигидан келиб чиққан зарар учун 0,5 % миқдорда жарима тўлайди.
- 7.7. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

**8. Форс-мажор ҳолатлари**

- 8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзинга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.
- 8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

**9. Низонни ҳал қилиш тартиби**

- 9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.
- 9.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди орқали ҳал қилинади.

**10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби**

- 10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.
- 10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги конун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.
- 11. Бошқа ҳолатлар
- 11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.
- 11.2. Ушбу шартнома Ўзбекистон республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПК-594-сонли қарорига асосан Газначиликда руйхатга олингандан кейин конуний кучга кирди.
- 11.3. Шартномага илова: \_\_\_\_\_

**12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари**

«СОТУВЧИ»

«ХАРИДОР»

«Асилбек Тиббиёт Маҳсулотлари» МЧЖ	Шовот ТТТБ
Манзили: Шовот т. Ижтимоят к., Чигатой м.	Ж. Отаншарифов 82 уйи
Тел/факс:+99891-998-08-18	Ш/х 100022860332307072130054022
Х/р: 20208000705078325001	ТЭП: 34-54-373
ИНН: 306437123	УНН: 201553682
МФО: 00567	ОКЭД: 91511
Банк: «Агробанк» АТБ Шовот филиали	Молия вазирлиги газначилиги Ягона газна х/р 23402000300100001010 Марказий банк Тошкент.ш.ХККМ МФО 00014 ИНН 201122919



Ш.Р. Матқурбанов  
(Ф.И.О.)

М.Ў.  
(Имзо)

У.Матерубов  
(Ф.И.О.)

Хуқуқшунос: \_\_\_\_\_

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Oldi sotdi shartnomasi

Loyiha Shovot tumani tibbiyot birlashmasi Shovot tumani Ijtimoiyat qishlog'i Chig'atoy maxallasida joylashgan "Asilbek Tibbiyot Maxsulotlari" MChJ raxbari Sh.R.Matkurbanov bilan dori darmon vositalarini xarid qilish bo'yicha umumiy qiymati 1476000 (Bir million to'rt yuz yetmish olti ming) so'mni tashkil qiluvchi №10-sonli shartnoma tuzish xaqida kelishilgan

№	Maxsulot turi	O'l. bir.	Miqdor i	Narxi	yetkazib berishkiymati	KKS		Etkazibberilishning KKSxisobgaoling ankiymati
						Stav kasi	Summasi	
1	Nosteril perchatkalar	sht	1800	820	1476000	0%	Bez NDS	1476000
2								
3								
	JAMI:							1476000

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot Shovot tumani tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022 yil 24 yanvar kuni ishlab chiqilgan.

Shartnoma amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Shovot tumani yuridik xizmat ko'rsatish  
markazi boshlig'i v.v.b**

2022 yil «24» yanvar



**K.X.Ismoilov**